Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 13 (6903). ● 20 январь, 1979 йил ◆ ШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

СОФИЯ, 18 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг «Работническо дело» газетасига ёзган хатини бугун Болгариядаги ҳамма газеталар эълон қилди.

Хатда бундай дейилади:

«Болгария Халқ Республикасида бўлган вақтимда менинг номимга саноат корхоналарининг, аграр-саноат комплексларининг, давлат муассасаларининг, илмий ва ижодий ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг коллективларидан, айрим болгар гражданларидан жуда кўп хат ва телеграммалар келди. Уларнинг ҳаммаси совет коммунистларига, Октябрь Ватанига ҳурмат, муҳаббат ва миннатдорчилик туйғуси руҳи билан суғорилганлиги кишини хурсанд қилади. Хат ва телеграммаларда менинг ўртоқ К. У. Черненко билан биргаликда БКП Марказий Комитети Биринчи секретари Т. Живков ҳамда БКП ва Болгария ҳукуматининг бошқа раҳбар арбоблари билан учрашувларим ва суҳбатларим натижаларидан чуқур мамнуният изҳор этилади.

Мен ишчилар коллективларига, болгар гражданларининг уйлари ва оилаларига бориб, халқ ҳокимияти йилларида қадимий Болгария диёри нақадар ўзгарганини кўриш тўғрисида кўпгина таклифномалар олдим.

Олинган хат ва телеграммаларга шахсан жавоб қайтаришга имкон йўқлиги учун «Работническо дело» газетаси орқали менинг БХРда бўлишим муносабати билан қардошларча дўстлик ва бирдамлик туйғуларини изҳор этган барча ўртоқларга астойдил миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Халқ Болгариясининг коммунистларига, барча меҳнаткашларига ривожланган социалистик жамият қурилишида чин кўнгилдан янгидан-янги муваффақиятлар, республикага тинчлик ва равнақ, ҳар бир болгар оиласига омон-эсонлик ва бахт-саодат тилаймаман».

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1979 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкент шаҳри ва областининг меҳнаткашлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини сабот билан амалга ошира бориб, беш йилликнинг учинчи йилини меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонладилар. Саноат корхоналари, колхозлар ва совхозларнинг коллективлари маҳсулот реализация қилиш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ўстириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг барча турларини тайёрлаш юзасидан беш йилликнинг уч йили топшириқларини ошириб бажардилар. Халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг ходимлари янги-янги муваффақиятларга эришдилар.

Тошкент шаҳри ва областининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг талабларига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг программавий нутқларига амал қилиб, «Қолоқларсиз ишлайлик» ҳаракатини ҳамда ишлаб чиқариш илғорларининг беш йиллик топшириқларини В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача бажариш тўғрисидаги ташаббусини ривожлантира бориб, 1979 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қиладилар:

Меҳнат унумдорлигини ўстириш пландагидан 2 процент юқори бўлиши таъминланади ва шунинг ҳисобига ялпи маҳсулот кўпайишининг 85 проценти олинади. 1978 йилга нисбатан саноат ишлаб чиқаришини 8 процент ўстиришга эришилади. Номенклатурага ва маҳсулотларни кооперацияланган тартибда етказиб бериш шартномаларига мувофиқ топшириқларинг бажарилиши таъминланади. Товар маҳсулот ишлаб чиқаришга сарф бўладиган ҳаражатлар камайтирилади ва планга қўшимча равишда 24 миллион сўмлик фойда олинади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш асосида саноат маҳсулотини реализация қилиш ҳажми ва буюмларнинг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан илгари, 23 декабрда бажарилади. Йиллик пландан ташқари 140 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Беш йилликнинг 4 йили топшириқлари 27 ноябргача адо этилади.

Планга қўшимча суратда 3 минг тонна прокат, 100 минг тонна кўмир, 50 минг тонна минерал ўғит, тежаб қолинган ресурслар ҳисобига 1,1 миллион сўмлик кабель маҳсулоти, шунингдек 11 минг тонна цемент, 2,3 миллион сўмлик кийим-кечак ва бошқа кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Янги техникага оид 37 миллион сўмликдан кўпроқ иқтисодий самара берадиган 2357 та йирик тадбир ишлаб чиқилиб, жорий этилади, 190 та автомат, ярим автомат, механизациялаштирилган поток ва конвейер линиялари ишга туширилади, рационализаторлар билан ихтирочиларнинг таклифларини амалга оширишдан камида 50 миллион сўм йиллик тежашга эришилади.

90 та янги машина, прибор ва аппаратларни, кийим-кечак, пойафзалнинг 1600 та янги модели ва фасонини газлама гуллари ва халқ истеъмол қиладиган бошқа товарларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Болалар учун товар ишлаб чиқариш топшириғи ошириб бажарилади.

314 буюм давлат Сифат белгиси олишга тайёрланиб, унга тақдим этилади, фахрли беш бурчак қўйилган буюмларни ишлаб чиқариш 1,3 баравар кўпайтирилади.

Олмалиқ химия заводи учинчи навбатининг қувватлари, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатидаги, «Ташсельмаш» заводидаги, абразив буюмлар комбинатидаги янги қувватлар ва бошқа қувватлар муддатидан илгари ўзлаштирилади, ана шуларнинг ҳисобига 37 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот олинади.

Қурилиш ишларини бошқариш ва ташкил этишни такомиллаштириш асосида капитал маблағлар самарадорлигини оширишга эришилади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми 60 миллион сўмлик қисқартирилади. Қурилишда меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 10 процент ошириб бажарилади. Шу йилга планлаштирилган саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданий-маиший объектларнинг ҳаммаси ўз вақтида ва муддатидан илгари фойдаланишга топширилиши таъминланади, шу жумладан Чирчиқ «Электрохимпром» бирлашмасида капролактам ишлаб чиқариш қуввати, Олмалиқ химия заводида минерал ўғит ишлаб чиқарувчи янги қувватлар, Тошкентдаги «Ташсельмаш» ва резина-техника буюмлари заводларида янги қувватлар муддатидан олдин ишга туширилади.

Планга мувофиқ 1979 йилда фойдаланишга топшириш кўзда тутилган мактаблар қурилиши ўқув йили бошлангунгача тугалланади. Уй-жойларнинг камида 85 проценти, мактаб бинолари ва маданий-маиший объектларнинг 90 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан қуриб битказилади ва фойдаланишга топширилади.

Бригада пудрати методи билан бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 40 процентгача етказилади.

Пудрат қурилиш-монтаж ишлари йиллик плани 27 декабргача, шу жумладан қишлоқ қурилиши объектлари бўйича 15 декабргача бажарилади.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленумни қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, гектар бошига 33 центнердан пахта олинади, давлатга 430 минг тонна «оқ олтин» сотилади. Пахтачиликда техника тараққиётини тобора жадаллаштириб, 115 минг гектар майдонда чигитни кенг қаторлаб экиш таъминланади, майдонларнинг ҳаммасига чигит экиш билан айни бир вақтда минерал ўғит ҳам солинади.

Давлатга 315 минг тонна, яъни 1978 йилда эришилган даражага қараганда 8,5 процент кўп каноплол сотилади. 440 минг тонна сабзавот, 63 минг тонна картошка, 129 минг тонна мева ва узум тайёрланади.

Ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут 3200 килограммга етказилади. Чорвачиликнинг дағал ва ширали озуқага бўлган эҳтиёжи 100 процент таъминланади. 650 минг тонна ем-хашак, шу жумладан 300 минг тонна сенаж тайёрланади, 600 минг тонна силос бостирилади. Озуқа ишлаб чиқаришни саноат асосига кўчириш ишлари давом эттирилади.

1810 тонна пилла етиштирилиб, давлатга сотилади.

Темирйўл транспортида пландан ташқари 150 минг тонна юк ортилади ва қўшимча юк ортиш учун 20 мингдан ортиқ вагон бўшатилади, автомобиль транспортида 3,1 миллион тонна юк, 6 миллион пассажир ташилади ва авиатранспорт билан 12 миллион пассажир-километрдан кўпроқ иш бажарилади.

Чакана товар оборотн ва маиший хизмат реализацияси йиллик плани муддатидан илгари бажарилади. Аҳолига пландан ташқари 33 миллион сўмлик товар сотилади.

Белгиланган истеъмол лимитидан ташқари 150 миллион киловатт-соат электр энергияси, 220 минг гигакаллория иссиқлик энергияси, 155 минг тонна қозон-печь ёнилғиси тежаб қолинади. 21 минг тонна қора металл, 16 минг тонна цемент, 4,2 минг куб метр ёғоч тахта тежалишига эришилади.

Қишлоқ меҳнаткашларига оталиқ ёрдами бериш давом эттирилади. Тошкент, Жиззах ва Сирдарё областларининг колхоз ва совхозларида 9 миллион сўмликдан кўпроқ иш бажарилади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент областининг меҳнаткашлари совет кишиларининг фаровонлигини ошириш тўғрисида жонажон партия қилаётган ғамхўрликка жавобан ўнинчи беш йиллик топшириқлари муваффақиятли бажарилиши, КПСС XXV съезди тарихий режаларининг амалга оширилиши учун барча зарур ишларни бажо келтирамиз, деб КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга ваъда бераднлар.

УШБУ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР ОБЛАСТЬ САНОАТ, ҚУРИЛИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА, САВДО ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ КОРХОНАЛАРИ ҲАМДА ТАШКИЛОТЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА МУҲОКАМА ЭТИЛИБ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

1978 ЙИЛДА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қулоч ёздириб, 1978 йилда КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажаришда янги муваффақиятларга эришдилар. Мамлакат иқтисодий потенциалини, халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада оширишга муваффақ бўлиндн.

Ўтган йили СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари 1977 йилга нисбатан қуйидаги маълумотлар билан характерланади: истеъмол ва жамғарма учун фойдаланилган миллий даромад — 104 процент; саноат маҳсулоти — жами 104,8 процент, шу жумладан: ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш — 105 процент; истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш — 104 процент; қишлоқ хўжалиги маҳсулоти — 104 процент; ҳамма турдаги транспортнинг юк обороти — 105,3 процент; ишга туширилган асосий фондлар — 109 процент; капитал маблағ сарфлаш — жами 105 процент; шу жумладан давлат капитал маблағи — 106 процент; ишчи ва хизматчилар сони — 102 процент; меҳнат унумдорлиги: саноатда — 103,6 процент; қишлоқ хўжалигида (жамоат ишлаб чиқаришида) — 105 процент; қурилишда — 102,2 процент; темир йўл транспортида — 101,6 процент; халқ хўжалигидан олинган фойда (таққослама нархларда) — 106 процент; аҳоли жон бошига реал даромадлар — 108 процент; халқ хўжалигидагн иш ҳақи фонди — 105 процент; ишчи ва хизматчиларнинг пул билан тўланган ўртача иш ҳақи — 103 процент; колхозчиларнинг меҳнат ҳақи — 104,4 процент; аҳолининг ижтимоий истеъмол фондларидан олган пуллари ва имтиёзлари: жами — 105,7 процент; аҳоли жон бошига — 104,7 процент; давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти — 103,9 процент; аҳолига кўрсатилган маиший хизмат ҳажми — 107,9 процент; фойдаланиш учун топширилган уй-жойларнинг умумий саҳни — 100,7 процент; тащқи савдо обороти — 110,4 процент.

1978 йилда фан ва техникани ривожлантириш, уларнинг ютуқларини халқ хўжалиги барча тармоқларига жорий қилиш давом эттирилди.

Халқ хўжалигида **ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш** ҳисобига 3,7 миллион кишининг меҳнати тежаб қолинди;

1978 йилда **миллий даромад** 16 миллиард сўм миқдорида кўпайиб, 417 миллиард сўмга етди. Миллий даромаднинг тўртдан уч қисмига яқинидан истеъмол учун фойдаланилди, уй-жой ва социал-маданий қурилиш чиқимларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда миллий даромаднинг тахминан бешдан тўрт қисми бевосита халқ фаровонлигини оширишга сарфланди.

Саноат маҳсулоти 1977 йилга нисбатан 27 миллиард сўмлик миқдорда кўпайди ва 587 миллиард сўмликка етди (корхоналарнинг 1975 йил 1 январгача бўлган улгуржи нархлари ҳисобида).

1978 йилда **қишлоқ хўжалиги маҳсулоти** 130 миллиард сўмлик бўлди, яъни тўқ-қизинчи беш йиллиндаги ўртача йиллик ишлаб чиқаришга нисбатан 14 процент кўп.

Халқ хўжалигида жами қиймати 120 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди.

Совет Иттифоқининг **ташқи савдо обороти** салкам 70 миллиард сўмни ташкил этди. СССР савдосининг катта қисми социалистик мамлакатларга ва аввало Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга тўғри келади.

Саноат маҳсулотини реализация қилиш йиллик плани ошириб бажарилди, дейилади сўнгра СССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида. 1977 йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш пландаги 4,5 процент ўрнига 4,8 процент кўпайди. Саноатнинг айрим тармоқларига доир маълумотлар қуйида келтирилади:

электр энергетика — 105 процент; ёқилги саноати — 103 процент; қора ва рангли металлургия — 102 процент; **химия ва нефть химияси саноатларни бажармадилар.** Кўмир қазиб чиқариш, қора металларнинг тайёр прокат, минерал ўғит, химиявий тола, ўзгарувчан ток электр двигателлари, темирчилик-пресс машиналари, иморатбоп ёғоч, цемент, газламалар, гўшт, сариёг ва ўсимлик ёғи, синтетик ювиш воситалари, чинни-фаянс идишлар ва маҳсулотнинг бошқа баъзи турларини ишлаб чиқариш плани тўла бажарилмади.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари 1978 йилда КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, деҳқончилик ва чорвачиликнинг кўпгина маҳсулотларини етиштиришни янада ўстиришга эришдилар. Ғалла етиштиришда 235 миллион тонналик янги юксак марра эгалланди.

Бултур донли экинлар ҳосилдорлиги гектар бошига 18,3 центнерни ташкил қилди — ўтган беш йиллиндаги ўртача йиллик ҳосилдорликдан 24 процент юқори бўлди.

РСФСР қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари 136,3 миллион тонна, Украина ССР қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари 50,6 миллион тонна дон йиғиштириб, дон етиштиришга катта ҳисса қўшдилар. Бу республикаларда биринчи марта шундай мўл ҳосил олинди.

Пахтакорлар катта муваффақиятларга эришдилар. Ўзбекистон ССРнинг хўжаликлари 5,5 миллион тонна, Туркманистон ССРнинг хўжаликлари бир миллион тоннадан кўпроқ пахтани тайёрлов пунктларига топширдилар.

Шу билан бирга об-ҳавонинг ноқулай келганлиги сабабли бир қанча районларда қанд лавлаги, кунгабоқар, картошка, мева етиштиришнинг кўзда тутилган ўсишига эришилмади, бунинг натижасида ана шу маҳсулотларни харид қилиш плани тўла бажарилмади.

Колхозларнинг ялпи даромадлари 24,6 миллиард сўмга етди ва бир йил ичида 2 процент кўпайди. Қишлоқда хўжаликлараро кооперацияни янада ривожлантириш давом эттирилди.

Ишларнинг бутун комплекси юзасидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланган капитал маблағ 34,4 миллиард сўм бўлди, шу жумладан давлатнинг 22,9 миллиард сўм ва колхозларнинг 11,5 миллиард сўм капитал маблағи сарфланди. Ирригация-мелиорация қурилишига 7 миллиард сўм сарфланди.

Қишлоқ хўжалигига техниканинг кўпчилик турларини етказиб бериш плани бажарилди. Минерал ўғит ва химиявий озуқа қўшимча моддалар етказиб бериш плани тўлиқ бажарилмади.

Давлат аҳамиятидаги 2,1 миллион гектар майдондаги ўрмонда ўрмонни қайта тиклаш ишлари ўтказилди, шу жумладан 1 миллион гектардан кўпроқ майдонга дарахт кўчати экилди ва уруғи сепилди.

Транспорт барча турларининг юк обороти 5,9 триллион тонна-километрдан иборат бўлди ва илгариги йилдагига нисбатан 5,3 процент кўпайди. Пассажир обороти 841 миллиард пассажир-километрга етди ва 4,8 процент ошди. Транспортнинг айрим турларида бир қанча юкларни ташиш плани тўлиқ бажарилмади ва ҳаракат составининг юк кўтариш қувватидан тўлиқ фойдаланилмаяпти, юк ортиш-туширишда ишларда анчагина бекор туриб қолишларга ва юксиз бўш юришларга йўл қўйилмоқда.

Алоқа корхоналарида (почта, телеграф, телефон, радио) маҳсулот умумий ҳажми плани бажарилди; 1977 йилга нисбатан алоқа маҳсулотлари ҳажми 6 процент кўпайди. Радиоэшиттириш станциялари ва телевизор станциялар тармоғи кенгайтирилди.

Бултур 230 та янги йирик давлат саноат корхоналари ишга туширилди, мавжуд корхоналар ва цехлар реконструкция қилинди, кенгайтирилди ва техника билан қайта қуроллантирилди.

Қишлоқ хўжалигида реконструкция ва янгиларини қуриш ҳисобига қора мол боқиладиган 4 миллион ўринли, чўчқа боқиладиган 2,5 миллион ўринли ва қўй боқиладиган 4,4 миллион ўринли, чорвачилик бинолари, механизациялашган ферма ва комплекслар ишга туширилди.

760 минг гектар суғориладиган ерлар, шу жумладан 250 минг гектар суғориладиган пичанзор ва яйловлар фойдаланишга топширилди.

Пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобидан халқ хўжалигига капитал маблағ сарфлаш 128,7 миллиард сўмга бориб, 1977 йилга нисбатан 5 процент ошди; план бажарилди.

Давлатнинг қурилиш-монтаж ташкилотлари бажарган пудрат ишлари ҳажми 64,2 миллиард сўмга етди ва 2 процент кўпайди; план 98 процент бажарилди.

Хўжаликлараро қурилиш ташкилотлари пудрат ишлари планини 99,4 процент бажардилар, ишлар ҳажми 4 процент кўпайди.

Қурилишда меҳнат унумдорлиги 2,2 процент ортди: қурилиш-монтаж ишлари ҳажми ўсишининг салкам 90 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

Шу билан бирга капитал қурилишда камчиликлар ҳам бўлди. Асосий фондларни ва кўпгина ишлаб чиқарни қувватларини ишга тушириш бажарилмади. Капитал маблағлар сочиб юборилишига ҳамон йўл қўйилмоқда. Умуман ва айрим министрликлар ҳамда идоралар бўйича битказилмаган қурилиш ҳажми белгиланган нормативлардан ошиб кетади.

Халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг ўртача йиллик сони бир йилда 2,1 миллион кишига кўпайиб, 108,5 миллион кишига етди; колхозларнинг жамоат хўжалигида банд бўлган колхозчиларнинг сони 14,2 миллион киши бўлди.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган реал даромадлар бир йилда 3 процент кўпайди.

Халқ хўжалигида ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик пул иш ҳақи 1977 йилдаги 155 сўм ўрнига 160 сўм бўлди. Жамоат истеъмол фондларидан тўлов ва имтиёзлар қўшган ҳолда иш ҳақи 212 сўмдан 219 сўмгача кўпайди. Колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш 4,4 процент кўпайди.

Аҳолининг жамоат истеъмол фондларидан олган пуллари ва имтиёзлари 105,5 миллиард сўмни ташкил қилди ва бир йилда 5,7 миллиард сўм кўпайди.

Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти 239,7 миллиард сўмни ташкил қилди ва 1977 йилга нисбатан 9 миллиард сўм ошди. Чакана товар обороти йиллик плани 100,7 процент қилиб бажарилди.

Аҳолига кўрсатиладиган маиший хизмат ҳажми 1977 йилга нисбатан 7,9 процент, шу жумладан қишлоқ жойларда 9,7 процент ортди.

Давлат ва кооператив корхоналар ва ташкилотлар, колхозлар ва аҳоли жами саҳни 109 миллион квадрат метр чамаси келадиган 2,1 миллионта янги шинам квартиралар ва якка уй-жойлар қурди. Бу қариб 11 миллион кишининг уй-жой шароитларини яхшилашга имкон берди.

1,4 миллион ўқувчи ўрни бўлган умумий таълим мактаблари, қариб 600 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 65 минг ўринли касалхоналар, бир сменада 123 минг кишини қабул қиладиган амбулатория-поликлиника муассасалари, кўпгина маданий-маиший объектлар қурилиб, ишга туширилди.

Табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида кенг тадбирлар программаси амалга оширилди. Шу мақсадларга сарфланган капитал маблағлар 1,8 миллиард сўмни ташкил қилди.

Халқ маорифи, фан ва маданият янада ривож топаверди.

Аҳолига медицина хизмати ва аҳолининг ташкилий суратда ҳордиқ чиқариши кенгайди.

Мамлакатнинг ҳамма районларида 1979 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати битказилмоқда. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА ЎЗБЕКИСТОН ССРДАН САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

19 январь куни Тошкентда СССР Олий Совети Миллатлар Советига Ўзбекистон ССРдан сайлов ўтказувчи сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда сайлов ўтказиш билан боғлиқ бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Б. О. Козимов мажлисда сайловга тайёргарликнинг бориши тўғрисида ахборот берди. СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 119-Бўка сайлов округи комиссиясининг иши тўғрисидаги ахборот ҳам тингланди. Сайлов кампанияси ҳамма жойда юксак сиёсий ва ишлаб чиқариш активлиги вазиятида ўтаётганлиги таъкидланди. Ишчилар, колхозчилар, меҳнаткаш зиёлалар сайловни партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларини амалга ошириш учун курашда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш билан нишонлашга интилмоқдалар.

Сайлов округларида депутатликка номзодлар кўрсатиш ниҳоясига етай деб қолди, округ сайлов олди кенгашлари ўтказилмоқда. Сайловчилар сайлов кампаниясида актив қатнашиб, депутатликка кўрсатилган номзодларни қизғин қўллаб-қувватлаб, коммунистлар билан партиясизлар блоки бирлигининг мустаҳкамлигини, совет кишиларининг жонажон Коммунистик партияга чексиз садоқатини, улар социалистик ватан қудратини кун сайин мустаҳкамлашга шай эканликларини зўр куч билан намойиш қилмоқдалар.

Ҳамма жойда СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги қонунга тўла мувофиқ равишда округ ва участка сайлов комиссиялари ташкил қилинди. Сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш бошланди.

Мажлисда сайловга тайёргарлик соҳасидаги баъзи камчиликлар ҳам қайд қилиб ўтилди. Участкаларни телефонлаштириш ҳали батамом тугалланганн йўқ, СССР Конституцияси ва СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги қонун қоидаларини тушунтириш ишлари барча агитпунктларда ҳам етарли савияда олиб борилянти деб бўлмайди.

Сайлов комиссияси Тошкент шаҳар ижроия комитетига ва Бўка сайлов округининг округ сайлов комиссиясига сайловга тайёргарликни кучайтиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишни тавсия этди. Тошкент область ижроия комитетига ҳам тегишли тавсиялар берилди.

Мажлисда участка сайлов комиссияларининг составн тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ҳ. М. Пўлатованинг ахбороти тингланди.

Республикада жами 5246 та сайлов участкаси тузилган бўлиб, бу — 1974 йилда ўтказилган сайлов даврядагига нисбатан 306 та кўпдир. Аввало, шу давр ичида республикада 14 та район, 27 та шаҳар, 31 та шаҳар посёлкаси ва 82 та қишлоқ ташкил этилганлиги, Ўзбекистон ССР ҳаолиси эса 2 миллион кишидан зиёд ўсганлиги участкалар сонининг кўпайишига олиб келди.

Жамоат ташкилотлари, жамиятлар ва меҳнаткашлар коллективларининг вакиллари — ишчилар, колхозчилар, фан ва маданият арбоблари, халқ хўжалиги турли тармоқларининг мутахассисларидан 42380 киши участка сайлов комиссиялари составига кирди.

Комиссиялар составининг 57 процентдан кўпроги ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларнинг вакилларидан иборат. Участка сайлов комиссиялари составига 21155 хотин-қиз ёки улар составининг 49,9 проценти, 23158 партиясиз ёки улар составининг 54,6 проценти кирди. Комиссия аъзоларининг 13414 нафари ёки улар составининг 31,6 проценти 30 ёшга етмаган кишилар, улардан 8216 киши Ленин комсомолининг аъзоларидир. Ишчилардан 357 киши ва колхозчилардан 1030 киши участка сайлов комиссиясининг раиси қилиб тасдиқланди.

Участка комиссияларининг аъзолари ўзларининг дастлабки мажлисларида сайловга оид ҳужжатлар билан ва Марказий сайлов комиссиясининг инструктив хати билан танишдилар. Участка комиссиялари бинолар, тегишли ҳужжатлар, печатлар билан таъминланди. Комиссияларнинг туриш жойи ва уларнинг телефон номерлари матбуотда эълон қилинди. Тушунтириш ва маълумотлар бериш учун, шунингдек гражданларнинг ёзма ва оғзаки аризаларини қабул қилиш учун комиссиялар аъзоларининг навбатчилиги ўрнатилмоқда.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚ ИШОНЧИГА САЗОВОР НОМЗОДЛАР

19 январь куни Мўйноқдаги балиқчилик саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг сайлов олди йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш иштирокчилари СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига 562-Мўйноқ сайлов округидан шу корхона ишчиси **Зарбиби Аспетуллаевани** номзод қилиб кўрсатдилар.

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига 616-Тўрткўл сайлов округидан депутатликка **номзод** қилиб Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг Раиси **Левон Николаевич Мелкумов** кўрсатилди.

Ўрта Чирчиқ районидаги **Энгельс номли колхоз** меҳнаткашлари сайлов олди йиғилишида СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига 118-Ангрен сайлов округидан шу хўжаликнинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Кан О Нам** номзоди кўрсатилди.

(ЎзТАГ).

БУЮК ҒОЯЛАР ТАНТАНАСИ

В. И. ЛЕНИННИНГ «МУСОБАҚАНИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИШ КЕРАК» АСАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

ДОҲИЙ «Мусобақани қандай ташкил этиш керак» асарини 1918 йил январь ойининг бошларида ёзган бўлиб, у кейинчалик 1929 йил 20 январда «Правда» газетасида эълон қилинган эди.

Ўша вақтдаёқ бу мақола бутун мамлакат бўйлаб катта қизиқиш уйғотди. Орадан бир неча кун ўтиб, Бутуниттифоқ комсомол газетаси саноат ва транспорт ишчи-ёшларига даъват қилиб, Владимир Ильич васиятларини амалга оширишга чақирди. Кўп ўтмай бутун Советлар мамлакати бўйлаб меҳнат унумдорлигини ошириш, интизомни мустаҳкамлаш ҳамда маҳсулот таннархини камайтириш учун оммавий мусобақа бошланиб кетди.

Орадан ярим аср вақт ўтди. Етук социализм даврига келиб, Ленининг социалистик мусобақа ҳақидаги ғоялари ўзининг ҳаётийлиги ва актуаллигини тобора ёрқиноқ намойиш этмоқда. Ҳозирги вақтда юз миллионга яқин меҳнаткаш — барча ишловчиларнинг 92 процентдан ортиқроғи мусобақада фаол иштирок этмоқда.

В. И. Ленин ўз асарида ана шундай «ҳақиқатан оммавий кўламдаги мусобақани бошорат қилган, шундай мусобақанинг моҳияти, уни ташкил этишнинг принцип ва методларини равшан кўрсатиб берган эди.

Коммунизм фақат шунчаки назариягина, кураш байроғигина эмас, балки бутун халқнинг кундалик ишидир. Шу боисдан ҳам доҳий ўз мақоласида оламшумул-тарихий вазифани — жуда кенг халқ оммасининг амалий ижод қилишига эришиш вазифасини қўяди ҳамда уни амалга оширишнинг конкрет программасини, яъни мусобақани ташкил этиш вазифасини олдинга суради.

Айни вақтда асарда мусобақа — меҳнаткашлар ижодий ташаббускорлигини ва кучғайратини ошириш, уларни янги ҳаёт қурилишида актив иштирокини таъминлашда таъсирчан восита эканлиги ҳар тарафлама баён қилинадики, бу принциплар бизнинг ҳозирги воқелигимиз учун ҳам ўз аҳамиятини тўла сақлаб қолмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг ноябрь [1978 йил] Пленумидаги нутқида айтган қуйидаги сўзларида ҳам бунинг тасдиғини кўрамиз: «Бизнинг ихтиёримизда,— деган эди у, — меҳнат муваффақиятларини кўпайтиришнинг социалистик мусобақадек синалган воситаси ҳам бор. Уз кўлами ва теранлиги жиҳатидан чинакам умумхалқ ҳаракатига айланган мусобақа доимо ижодий меҳнат намуналарини юзага келтирмоқда, мамлакат экономикасини ривожлантиришга яхши хизмат қилмоқда».

Коммунизм учун курашнинг асосий иш майдони экономикадир. Шу боисдан ҳам худди шу асосий соҳада мусобақани ташкил этиш масалаларига доҳий алоҳида аҳамият беради. Мақола ёзилган вақтда Совет республикасида вайроналик ва очарчилик ҳукм сурар, ағдарилган синфларнинг қаршилигини енгиш учун қақшатгич кураш борар, безорилик, талон-тарожлик тўсқинлик қиларди. Ана шундай унсурларга қарши курашиш учун аввало меҳнат, ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотларни тақсимлаш устидан ҳисоб-китоб ва назоратни жиддий йўлга қўйиш лозим эди. В. И. Ленин худди шу вазифани Советлар ва бошқа жамоат ташкилотларининг асосий иқтисодий вазифаси, деб билди.

Доҳий ҳамма жойда оммавий ҳисоб-китоб ҳамда назоратни амалга ошириш ишларига миллионлаб ишчилар ва деҳқонларни кенг жалб қилиш, улар орасидан ишчан, истеъдодли раҳбар ва ташкилотчиларни топа билиш билангина юқоридаги вазифани ҳал этиш мумкин, деб кўрсатди. Социалистик мусобақа худди шундай оммавий иштирокни таъминлашнинг, худди шундай кадрлар етиштиришнинг энг самаратли усулидир, деб таълим берди.

Доҳийнинг бу кўрсатмалари бизнинг етук социалистик жамиятда тўла-тўкис амалга оширилмоқда.

СССР Конституциясида ҳам давлат ва жамоат ишларини бошқаришда гражданларни тобора кенгроқ қатнаштириш, давлат аппаратини такомиллаштириш, жамоат ташкилотларининг активлигини ошириш, халқ контролини кучайтириш кабилар совет жамияти сиёсий системасини ривожлантиришнинг асосий йўналиши қилиб белгиланган [9-модда].

В. И. Ленининг социалистик мусобақа принциплари — ошкоралик, меҳнат натижаларини таққослаш, илғор тажрибани такрорлаш принциплари совет кишилари меҳнат ва сиёсий активлиги, ижодкорлиги, ташаббускорлигини ошириш борасидаги ишларда партия, давлат, касаба союзлар ҳамда комсомол, ҳар бир меҳнат коллективи фаолиятининг негизини ташкил этмоқда. Давлатимиз Асосий қонунида ҳам бу ўз ифодасини топган: «Меҳнат коллективлари социалистик мусобақани ривожлантирадилар, илғор иш методларини ёйишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга кўмаклашадилар».

Ҳозирги етук социализм шароитида, фан-техника революцияси авж олган бир даврда экономика ва халқ фаровонлигини янада ўстириш йўлида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун кураш социалистик мусобақанинг тўб масаласи бўлиб қолди. Мусобақа ўз моҳият-эътибори, бутун ташкилий-иқтисодий тадбирлари билан мамлакатимиз қудратли ишлаб чиқариш потенциалини оширишгагина эмас, балки шу потенциалдан яхшироқ самаралироқ фойдаланиш учун кескин бурилиш ясашга ҳам қаратилмоқда, иш сифатини бутун чоралар билан яхшилаш, мусобақанинг бош, биринчи даражали вазифаси қилиб қўйилмоқда. Буларнинг ҳаммаси пировард оқибатда кишиларга, уларнинг ҳалол ишлашига, бажараётган ишларининг сифатига боғлиқдир.

Айни вақтда ҳозирги кунларимиздаги мусобақа — бу меҳнатнинг фақат моддий натижалари учун курашдангина иборат эмас. У ҳаётимизнинг на фақат иқтисодий балки социал ва маънавий жиҳатларини ҳам қамраб олувчи масалаларнинг кейг комплексига айланди. Мусобақа — бу касб маҳоратини ошириш, фан ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳисса қўшиш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш учун, иш услубини, бошқарув савиясини яхшилаш, коллективда талабчанлик ва ғамхўрлик иқлимини яратиш учун кураш демакдир. Мусобақа — бу кишиларда фаол ҳаётий позицияда туриш, ижтимоий бурчга онгли муносабатда бўлиш, сўз билан иш бирлигини қарор топтириш каби фазилатларни тарбиялаш учун ҳам кураш, демакдир. Социалистик мусобақа ҳозирги вақтда юксалиб кетганлиги сиёсий тарбия билан меҳнат тарбияси бир-бирига мустаҳкам қўшилганлигининг яққол натижасидир...

«Социалистик мусобақа тўғрисидаги Ленин ғоялари нақадар чуқур томир ёйганлиги ҳаммамизни қувонтиради,— деган эди Л. И. Брежнев КПСС XXV съездига қилган Ҳисобот докладида.—Коммунистлар мусобақанинг олдинги сафида бораётганликлари билан фахрланамиз. Мусобақа хўжалик ишларига, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига, маънавий вазиятга чуқур таъсир ўтказмоқда. Бундан буён ҳам социалистик мусобақани ҳар томонлама ривожлантириш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини ривожлантиравериш бизнинг муштарак жанговар шиоримиздир».

МОСКВА. Қизил майдон. Ленин ҳузурига.

В. Великжанин ва В. Созинов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ЧИҚИТДАН ПАНЕЛЬ

«Ташоблколхозстрой» трестининг Янгийўл ғишт заводида янги маҳсулот — виброғишт панеллар тайёрлаш ўзлаштирилди. У ғишт пиширишдан чиқитларидан Кучеренко номли марказий биноқорлик конструкциялари илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари ишлаб чиққан технология бўйича тайёрланади.

Бу қурилиш материалини тайёрлаш қийин эмас: махсус қолипларга ғишт увоқлари тўлдириб, устидан цемент қоришмаси қуйилади. Шу тахлитда олинган яхпора блоклардан уй-жойларни, фермаларни, бошқа қишлоқ хўжалик объектларини монтаж қилиб қуриш мумкин. Ҳозир Ғалаба районидаги «Солдатское» посёлкасида корхонанинг шу маҳсулотидан иккита уй қурилди. Шу уйларни қуришда меҳнат унумдорлиги қарийб икки баравар ошди, ҳаражатлар анча камайди.

Шу йил Янгийўл ғишт заводида 3 минг квадрат метр панель тайёрлаш мўлжалланади. Беш йилликнинг охиригача яна бешта завод чиқитдан шундай маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиради.

(ЎзТАГ).

МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Чиноздаги 1-қишлоқ профессионал-техника билим юрти бутуниттифоқ мусобақасига қўшилиб, иккинчи мукофотли ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Билим юрти профессионал техника таълими Давлат комитети коллегияси, СССР қишлоқ хўжалиги министрлиги ва қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи Марказий Комитети президиумининг дипломи билан тақдирланди.

Куни кеча ана шу юксак мукофотни топширишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР профессионал техника таълими Давлат комитети раиси ўринбосари ўртоқ Жўраев билим юртига тантанали вазиятда дипломни топширди.

Йиғилишда сўзга чиққан билим юрти директори Шахирбаков, ўқитувчи Ахроров, аълочи ўқувчи Мақсудов ва бошқалар юксак мукофот учун миннатдорчилик билдирдилар.

С. АБДУЛЛАЕВ.

МАДАНИЙ-ОҚАРТУВ МУАССАСАЛАРИ ИШИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ПЛЕНУМИДАН

КПСС XXV съезди тарихий қарорларини, партия Марказий Комитетининг кейинги пленумлари, Совет Иттифоқи касаба союзлари XVI съезди қарорларини амалга оширишда клублар, маданият уйлари ва саройлари, барча маданий-оқартув муассасаларининг роли каттадир. Областимиз маданий-оқартув муассасалари партия органларининг яқиндан ёрдами туфайли ижтимоий-сиёсий, илмий-техникавий билимларни, Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсатини тарғиб қилишда, меҳнаткашларни совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашда катта ишлар олиб бормоқдалар.

Клублар, маданият уйлари ва саройлари, қизил бурчаклар корхоналарнинг, муассаса ва хўжаликларнинг коллективларига иш самарадорлигини оширишда, социалистик мусобақанинг ошкоралигини таъминлашда, фан ютуқлари ва илғор тажрибани кенг ёйишда, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашда ёрдам қилмоқдалар.

Областимизда 132 та клуб, маданият саройи ва уйи, 2455 та қизил бурчак, 205 та кино установка, 175 та кутубхона ишлаб турибди. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ кўриги якунлари бўйича Тошкент кабель заводи, тўқимачилик комбинати, Тошкент трактор заводи, Ўзбекистон металлургия комбинати маданият саройлари, Бекобод цемент комбинати ва Тошкент политехника институтининг клублари, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент агрегат заводи ишлаб чиқариш-диспетчерлик хизмати қизил бурчаклари ВЦСПСнинг дипломлари билан мукофотландилар.

Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият саройи ВЦСПС мукофотининг лауреати бўлди. Бу коллективга Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Советининг диплом ва пул мукофоти топширилди. 14 та клуб, 30 та қизил бурчак Тошкент область касаба союзлари Советининг дипломлари билан тақдирланди. Кўпгина активистлар туристик йўлланмалар олдилар.

Мана шу рақам ва фактлар Тошкент область касаба союзлари советининг пленумида келтирилди. Пленум қатнашчилари область касаба союзлари советининг раиси А. В. Браиловнинг «Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш юзасидан область касаба союзлари маданий-оқартув муассасалари ишини янада яхшилаш тўғрисидаги докладини тинглаб, муҳокама қилдилар.

Докладни муҳокама қилишда қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзлари область комитетининг раиси Т. Ражабов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетининг солисти, республикада хизмат кўрсатган артист М. Дадабоева, «Миконд» заводининг мастери М. Фадеева, область комсомол комитетининг секретари А. Раззоқов, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият саройининг директори П. Нестеренко, Тошкент электрон техника заводи клуби рақс халқ ансамблининг раҳбари И. Исмоилов ва бошқалар қатнашдилар.

Улар ўз нутқларида айрим маданий-оқартув муассасалари ишидаги нуқсонларни кўрсатиб ўтдилар. Жумладан, автотранспорт, машинасозлик, алоқа, қишлоқ хўжалиги ходимлари маданий-оқартув муассасаларида меҳнаткашларнинг маълумот даражаси ҳамма вақт ҳам ҳисобга олинмайди. Кўнгилли маданий дам олишни ташкил этишга кам эътибор берилади. Касаба союз комитетлари маданият муассасалари ходимларининг илғор тажрибаларини кенг ёйишга, маданий-оқартув муассасаларининг моддий жиҳатдан таъминланган бўлишига эътибор беришлари керак.

Муҳокама этилган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди.

Область касаба союзлари совети пленуми физкультура ва спорт бўйича область касаба союзлари совети доимий комиссияси иши тўғрисидаги ҳисоботни ва касаба союзлари область совети VIII пленумидан кейин область касаба союзлари совети президиуми ва секретариатининг иши тўғрисидаги ахборотни тинглади.

Пленумда Узсовпроф раиси Н. М. Маҳмудова сўзлади.

Пленум ишида Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев қатнашди.

«Ўзбекистон» нашриёти кўп тиражда ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида сайлов плакатларини нашр қилишга киришди. Суратда: тасвирий санъат бўлими кичик редактори Нафиса Ҳакимова янги плакатларни кўздан кечирмоқда. М. Нуриддинов фотоси.

ПАРТИЯ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

19 январь куни Тошкентда шаҳар партия активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда 1979 йилда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини янада ошириш соҳасида корхона ва ташкилотлар меҳнат коллективларининг вазифалари муҳокама қилинди. Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон пойтахтининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари партия XXV съезди белгилаб берган бунёдкорлик ишлари программасини, КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида ўртага қўйилган вазифаларни муваффақиятли равишда бажаришга астойдил азму қарор қилганликлари тўғрисида гапирдилар.

Йиғилишда шаҳар меҳнаткашларининг беш йиллик тўртинчи йили учун ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятлари маъқулланди.

(ЎзТАГ).

ШАҲАРЧА ОБОД БЎЛЯПТИ

ТРАКТОРСОЗЛАР шаҳарчаси кун сайин чирой очиб бормоқда. Халқ ҳокимиятининг юқори органларига бўладиган сайловдан сайловгача бу ерда, кўплаб турар жой бинолари, иккита мактаб, болалар боғчалари, «Ташавтомаш-4» янги микрорайони, маданий-маиший объектлар ва савдо тармоқлари бунёд этилди.

Шаҳарчанинг аҳолиси кўпайиб бормоқда. СССР Олий Советига бўладиган сайловдан муносабати билан шаҳарча микрорайонларида олтита сайлов участкаси ташкил этилди. Шулардан бири тракторсозлар шаҳарчасидаги Маданият саройига жойлашган. Бу ерда трактор заводининг юздан ортиқ турли касб эгалари — агитаторлар сайлов олди ишларини қизитиб юбордилар.

Комсомоллардан О. Скиба, М. Марченко, коммунист Ю. Пенкер ва бошқалар активлик кўрсатишмоқда, — дейди агитпункт мудири Н. К. Борисова.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

МЕҲРИ ДАРЁ

Бир йил тут эккан киши юз йил гавҳар теради дейишади. Чиндан ҳам шундай. Ҳар киши кўнглига эзгулик, яхшиликнинг уруғини экса, ўзгаларни, эл-юртни қувонтиради. Муҳаббат Илёсова Тошкент давлат медицина институтида ўқиб юрган кезларида ҳам, ўқишдан сўнг ҳам бу гапларни кўп эшитган. Шундай бўлса керак у бу сўзларга қатъий амал қилиб, мана чорак асрдан бери халққа сидқидилдан хизмат қилиб келяпти.

Еш шифокор институт йўлланмаси билан меҳнат фаолиятини Фарғона областининг Бағдод районида бошлади. Кишиларга бахт қувонч ҳадя этувчи туғруқхонада бош врач бўлиб ишлади. Қисқа вақтда меҳрибон ва жонкуярлиги туфайли обрў-эътибор қозонди.

Муҳаббат Илёсова оилавий сабаб туфайли 1958 йили Тошкентга қайтди ва шаҳардаги 5-туғруқхонада ишлай бошлади. 1973 йилдан бери эса туғруқхона ҳузурида очилган 3-аёллар консультация бўлимига бошчилик қилмоқда.

Шифокор беморларни ширин сўз билан ҳам даволайди. М. Илёсова буни яхши билади. Шунинг учун ҳам унинг ҳузурига келувчилар доимо хурсанд бўлиб қайтишади.

«Бола болдан ширин, фарзанд оиланинг кўрки деб жуда тўғри айтишган. Ҳар бир оила фарзандининг илк бор тили чиқиб «ойи», «дада» деган сўзларини эшитганда олам-олам қувонади. Биз ҳам она-ота бўлишни кўп орзу қилдик. Узоқ кутдик. Нихоят шифокор М. Илёсова дардимизга даво топди. Биз ҳам бахтли оилалар қаторига қўшилдик. Муҳаббат Илёсованинг бу яхшилигини бир умр ёдда сақлаймиз».

Бу юрак сўзларини М. Слар оиласи ёзиб қолдирипти. Бундай миннатдорчилик сатрларини таклиф ва истаклар дафтаридан кўплаб ўқиш мумкин.

Муҳаббат Илёсованинг оиласини шифокорлар оиласи дейиш мумкин. Турмуш ўртоғи Шоқосим Илёсовнинг касби ҳам врач. У республика ўлкашунослик институтининг эндокринология бўлими мудири вазифасида ишлаяпти.

М. ЕҚУБОВА.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

Бу фабрика коллективи шарафли ва масъулиятли вазифани бажаяпти. Унинг исми ҳам жисмига монанд — «Ғунча». Корхона мамлакатимиз жажжи гражданлари учун мўлжалланган турли-туман кийим-кечаклар тикишга ихтисослашган. Юзлаб чеварларни ўз сафига бирлаштирган коллектив кўлидач чиқаётган маҳсулот миқдори ва тури тобора кўпайиб бормоқда. Сифати ҳам муттасил яхшиланмоқда. Бу ерда тикилган кийим-кечакларнинг аксарияти хушбичим ва нафислиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам фабрика маҳсулотлари магазинлар пештахталарида туриб қолмаяпти.

Фабрика коллективи КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг болалар учун товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва бу товарлар билан савдо қилишни яхшилаш чоралари тўғрисидаги қарорини зўр ҳурсандчилик билан кутиб олди. Чунки, бу қарор бевосита корхона чеварлари меҳнатига таллуқлидир. Чеварлар бу қарорга амалий иш билан жавоб бериш, тикилаётган кийим-кечакларни кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва таннархини арзонлаштириш учун қизғин кураш олиб боришяпти.

Шу туфайли ҳам уларнинг ўнинчи беш йиллигининг ўтган уч йили ва зарбдор йилдаги меҳнат натижалари самарали бўлди. Давлат планлари асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича эришдаси билан ado этилди. Бирғина ўтган йили қўшимча 500 минг сўмлик атрофида маҳсулот реализация қилинди. Ўнинчи беш йиллик планида корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг 26 процент ортиши белгиланган эди. Бу марра уч йиллаёқ эгалланди.

Коллектив кўлга киритган меҳнат муваффақиятларининг асосий омиллари социалистик мусобақани муттасил такомиллаштириш, илғор иш усулларини кўлланиш, прогрессив технологияни жорий қилиш, ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширишда бўлди.

Чеварлар Янгийўл шаҳар саноатчиларининг «Сафимизда колоклар бўлмасин!» шиори остида бошлаган ташаббусларини бажонидил кўллаб-кувватладилар. Корхона ишлаб чиқариш бўлинмаларининг аксарият кўпчилиги бу ватанпарварлик харакатига кўшилди. 16 бригада ва 1 цех зарбдор йил давомида ана шундай шиор остида ишлади. Бу коллективлар нормани бажармайдиган ишчиларни оталикка олдилар. Уларга тикувчиликнинг барча «сир»ларини кунт билан ўргатдилар. Янги ишга келган ёшларга танлаган касбларини эгаллашда ҳар томонлама ёрдам беришди. Шу туфайли ҳам янгийўлликлар ташаббусига кўшилган коллективлар нормани тўла ва зиёдаси билан адо этмоқда.

Фабрика цехларида мураббийлик харакатини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу ҳайдли иш иштирокчилари сафи муттасил ортиб бораяпти. Улар ўзларининг бой иш тажрибаларини бошқаларга ўргатиш билан илғорлар сафининг кенгайишига кўмаклашишмоқда. Мураббийлар ҳақида гап кетганда аввало Анна Николаевна Георгиаду номини тилга олишади. Ўз касбини пухта эгаллаган бу моҳир ишчи жуда кўп ёшларга мураббийлик қилди. Корхона маъмурияти уни комсомол-ёшлар бригадасига раҳбар қилиб тайинлади. Янги бригадир ўзининг бой иш тажрибасини коллектив аъзолари билан ўртоқлашди. Уларнинг касб маҳоратини оширишга интилди. Кўшимча касблар ўргатди. Бригада аъзоларининг иш кўрсаткичлари ой сайин ортиб борди. Эндиликда улар илғорлар сафида боришяпти. Бригадалараро меҳнат беллашувида доим мукофотли ўринларни эгаллашяпти. Мураббийлардан Н. Козлова, В. Деревскова, В. Скоробогатова ва бошқалар ҳам ёшларда тикувчиликка меҳр-муҳаббат уйғотишмоқда. Ҳозирги вақтда фабрика цехларида бу мураббийларнинг тарбиясини олган ўнлаб ишчилар ишлашмоқда. Уларнинг ҳаммаси меҳнатда яхши кўрсаткичларга эришмоқда.

Корхона цехларида «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати» шиори остида ҳам мусобака бормоқда. Бундай мусобақани Н. Борисова раҳбарлигидаги бригада коллективи бошлади. Ҳозирги вақтда бу бригада аъзолари кўлидан фақат давлат Сифат белгисини олган кийим-кечаклар чиқмоқда. Қатор бошқа бригадалар ҳам шу ташаббускорлар изидан бориб маҳсулот сифатини анча яхшилашга эришдилар.

Фабрикада узоқ йиллар давомида меҳнат қилиб, коллектив эришаётган ютуқларга муносиб хисса кўшаётган тикувчилар анчагина бор. Л. Восковцова, А. Булатова, А. Люманова, М. Струнова ва бошқа ўнлаб чеварлар шулар жумласидандир. Улар топширикни доим 125—130 процентдан бажармоқдалар.

Фабрика коллективи ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида янада юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Бу йил кичкинтойлар учун турли-туман кийим-кечаклар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, ассортиментини кенгайтириш, сифатини яхшилаш юзасидан янги марралар эгалланмоқчи. Сўзи билан иши бир коллектив ана шу марраларни муваффакиятли эгаллаш учун социалистик мусобакани кун сайин кизитмокда.

М. МАҲМУДОВ.

УНВОН МУБОРАК!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўнта ва ундан ортиқ бола тўғиб, тарбиялаган қуйидаги оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин ва «Қаҳрамон она» ордени билан СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилсин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

Азимова Ойниса — Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхози ишчиси.

Акбарова Мамлакат — уй бекаси, Бектемир шаҳри.

Аннамуродова Сафар — Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз аъзоси.

Ахмедова Гулсара — Ғалаба районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси.

Бобоева Усалтан — Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози ишчиси.

Бойматова Бека — Бўка районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Даврушева Шафиқа — Ғалаба районидаги Киров номли совхоз ишчиси.

Дадаева Анбар — уй бекаси, Бекобод шаҳри.

Жўлдосова Райхон — Ғалаба районидаги Киров номли колхоз аъзоси.

Жўраева Хайтжон — Ғалаба районидаги Волков номли совхоз ишчиси.

Каримова Инобат — Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзоси.

Норимбоева Замира — уй бекаси, Бўстонлиқ районида.

Ўрмонова Рихси — уй бекаси, Коммунистик районда.

Расулбоева Анор — Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхози ишчиси.

Самадова Қизларгул — Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхози ишчиси.

Сатторова Ширинай — Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз аъзоси.

Субанова Тансин — Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

Тиловова Қуралай — Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз ишчиси.

Тиловова Сафаргул — уй бекаси, Ўрта Чирчиқ районда.

Турғунбоева Ҳадича — ишчи, Коммунистик районда.

Ўсанова Қаромат — Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхози ишчиси.

Ускинбоева Руҳия — Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз ишчиси.

Усмонова Ойимқиз — Бекобод районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Хайдарова Майрам — Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхози ишчиси.

Худойбердиева Қизларой — Бекобод районидаги Ленин номли колхоз аъзоси.

Шоусмонова Нури — уй бекаси, Оржоникидзе районда.

Шерқўзиева Турсун — Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз ишчиси.

Шодиматова Ўринжон — Бекобод районидаги «Октябрь 30 йиллиги» совхози ишчиси.

Эркабоева Қаршигул — Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози аъзоси.

Йўлдошева Ҳанифа — уй бекаси, Бўка районда.

Юсупова Ҳосият — Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

Ахмедова Насиба — уй бекаси.

Деҳқонова Шарифа Каримовна — уй бекаси.

Тўлаганова Мукаррам — уй бекаси.

Йўлдошева Лутфи — уй бекаси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1978 йил, 26 декабрь.

Калинин районидаги «Москва» совхози теплица хўжалигида эртаки сабзавот экинлари кўчатлари тайёрлаш қизғин тус олган. Барвақт сепилган карам уруғи бир текис униб чиқди. Теплица ишчилари бу йил 11 минг тўп сара карам кўчати етказиб берадилар. Суратда: ишчилардан Ф. Каримжонов ва К. Эгамбердиевлар теплица хўжалигида.

Б. Сафаров фотоси.

ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА

ИСТИҚБОЛЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИ

Ватанимизда етиштириладиган умумий пахта хом ашёсининг учдан икки қисмини республикамиз пахтакорлари тайёрлаб берадилар. 1978 йил пахтакорлар учун ноқулай бўлган об-ҳаво шароитида ҳам азамат пахтакорларимиз «оқ олтин»дан юқори ҳосил етиштирдилар.

Пахта ҳосилини ошириш борасида, чигит экиш учун яроқли бўлган майдонларни кенгайтириш, қўриқ ерларни ўзлаштириш, умуман деҳқончилик маданиятини ҳар томонлама юксалтиришдан ташқари, пахтанинг янги эртапишар, сермаҳсул, вилт (оқ палак) касаллигига чидамли, толасининг технологик кўрсаткичлари тўқимачилик саноатининг талабларига тўлиқ жавоб берадиган, машина теримига боп навларини яратиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Оби-ҳавонинг ўтган йилги ноқулай келиши шуни кўрсатдики, ҳозирда мавжуд эртапишар, серҳосил ғўза навларимиз ҳам пахтакорларимизнинг талабига тўлиқ жавоб бераолмай қолди. Натижада пахта етилиши кечикиб кетди. Бу эса селекция билан шуғулланувчи олимларимиз зиммасига янада тезпишар, сермаҳсул, вилтга чидамли ғўза навларини яратишдек масъулиятли вазифани юклайди.

Институтимиз ташкил этилгандан буён унинг олдидаги асосий вазифалардан бири ғўзанинг эртапишар, сермаҳсул вилтга чидамли навларини яратиш бўлиб келмоқда. Илмий муассасанинг етакчи генетик-селекционер олимлари биологик фанининг такомиллашган методлари ёрдамида ғўза навларини ижод этишни давом эттириб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Маълумки, ҳар бир селекционер замон талабларига тўлиқ нав яратиш учун бошланғич материал сифатида ирсий, таркибий ўзгартирилган (навларнинг узоқ ва яқин шаклларини ва турларини ўзаро дурагайлаштирилган, ҳар хил кимёвий, физикавий реагентлар таъсирида нурлантирилган) шакллардан фойдаланадилар. Олинган янги линия материалларининг авлодлари бир неча йиллар давомида танланади ва тарбияланади, барча биологик ва хўжалик белгилари бўйича такомиллаштирилади. Ана шундай йўллар билан мустаҳкам ирсий потенциалга эга бўлган институтимиз навлари мамлакатимиздаги умумий пахта майдонининг тўртдан уч қисмида экилмоқда.

Аммо, ғўза ўсимлигининг вилт офати билан зарарланишининг олдини олиш ва уни таг-томири билан йўқотиш учун астойдил кураш олиб борилмоқда. Бунинг учун партия ва ҳукуматимиз барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Ғўзанинг вилт касалига чидамли навларини яратишда генетик олим С. Мираҳмедов томонидан генетик методлар ёрдамида «Тошкент» навларининг яратилиши бу муаммони ҳал этиш мумкинлигини исбот этди. Натижада бу метод асосида институтимиз олимлари томонидан ғўзанинг бир қатор истиқболли навлари ижод этилди. «С-6037», «С-6040», «С-2602», «С-2607», «Қизил-Ровот», «С-6523, «С-4861», «С-9064», «Ўйғи-2» ва «Тошкент-6» навлари шулар жумласидандир.

СССР Давлат мукофотининг лауреати С. Мираҳмедов «Тошкент» навларининг тадқиқ этишига қадар ҳар йили вилт таъсиридан 500 минг тонна пахта хом ашёси йўқотилар эди. Бу, хўжаликларимиз учун 200 миллион сўм зарар деган гап эди.

«Тошкент» навларининг районлашуви туфайли хўжаликларимизга келаётган самара ҳар йили 300 миллион сўмдан ортмоқда. Машҳур селекционер олим томонидан яратилаётган навлар катта йилда 4 минг гектарга етказиш кўзда тутилмоқда.

Яқинда институтимиз хузурида Иттифоқ пахтачилиги бўйича ташкил этилган селекцион — марказнинг координацион кенгаши бўлиб ўтди. Унда Иттифоқимиздаги пахта селекцияси билан шуғулланувчи илмий муассасалар томонидан яратилган янги ғўза навларини 1979 йилда давлат нав синаш участкаларига бериш ва уларни кўпайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Кенгашда «С-6041», «С-3581», «Қарши-1» «С-9063» каби ингичка ва ўрта толали ғўза навларининг давлат нав синаш участкаларига беришга қарор қилинди. Ўйлаймизки, бу янги ғўза навлари келгусида Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши учун муносиб замин яратади. Селекционер олимлар бундай истиқболли навларни тадқиқ этишни янада изчиллик билан давом эттирмоқдалар.

Биз уруғчилик мутахассислари пахтакор деҳқонлар билан биргаликда янги навларни яратиш ва насл таркибини янада такомиллаштириш ва уларни ишлаб чиқариш майдонларида узоқ муддат самарали фойдаланиш учун барча билим ва имкониятларни ишга соламиз.

Т. ҲОЛХЎЖАЕВ,
Меҳнат Қизил Байроқ ордени Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, биология фанлари кандидати.

С. ОДИЛОВ,
илмий ходим.

ОЛҒА ИНТИЛГАНЛАР

Қобил Нарзиев Тошкент агрегат заводининг илғор ишчиси. У смена топшириқларини мунтазам ошириб адо этмоқда.

А. Палехов фотоси.

Меҳнат беллашувида бу гал ҳам Николай Шишкин бошлиқ коллектив азаматлари яна ғолиб чиқишди. «Узтрансспецстрой» бирлашмасида бу участканинг намунали иши яна алоҳида қайд қилинди. Кўпчилик коллективлар ўртасида унинг тажрибаси ва ишни ташкил этиш соҳасида тутаётган йўли ҳақида кўпдан-кўп илиқ сўзлар айтилди.

Шишкинчилар пойтахт областининг жуда кўп шаҳарларида иш олиб боришди. Жумладан, Ангрен, Оҳангарон, Бекобод, Олмалиқда, қатор районларда ва бошқа жойларда уларнинг анчагина объектлари бор. Коллектив аъзолари мана шундай мураккаб иш шароитида ҳам топширилган вазифани мукаммал ва ошириб адо этиб келмоқдалар. Айниқса, Ангрендаги «Резинотехника» заводи, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг қатор иншоотлари, «Ангрен» совхозидаги сут комплекси қурилишлари ва бошқа қурилишлар сингари катта ҳажмдаги ишлар ана шу участка қурувчи ва монтажчиларининг зиммасига юкланган.

Участка бунёдкорларининг зовурларни очиш, котлованлар ўйиш, труба ётқизиш ва бошқа коммуникацияларни барпо этиш соҳасидаги фаолияти яқинда яна бирлашма томонидан муносиб тақдирланди. Давлат комиссияси бу объектларни қабул қилиб олиш вақтида бажарилган ишларнинг ҳаммасига аъло ва яхши баҳо қўйди.

— Биз участкада фақат аъло сифатли иш бажаришга қарор қилганмиз, — деб ҳикоя қилади Николай Шишкин, — бу аввало биздан ўз касбини пухта эгаллаб олган кишиларни талаб қилса, иккинчидан одамларимизни топширилган иш учун масъулиятларини оширади. Бу эса ўз навбатида юзаки ва брак ишлашга йўл қўймайди. Ана шу зарур омиллар туфайли меҳнатда шу тақлитда катта марраларни эгаллаяпмиз.

«Узтрансспецстрой» бирлашмасида 15-механизациялашган кўчма колоннада бундай участка ва бригадалар жуда кўп. Бу ерда хизмат қилаётган Алексей Гайнуллин бригадаси ҳам ўзининг ибратли ишлари билан танилган. Асфальт-бетончилар уюшган бу коллектив ўзининг қапчадан-қанча саҳоватли ишлари билан кўпчиликни ҳурсанд қилмоқда. Бригада юзларча километр йўл ва майдонларни асфальт қилиб, бир қанча объектларда бетон ётқизиш ишларини ҳам муддатидан олдин сифатли бажарди.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

Бригада материал ва асбоб-ускуналарни тежаб-тергаб ишлатиш учун олиб бориладиган мусобақа яхши натижалар бермоқда. Бу соҳада бригада бошқа коллективлардан жуда кўп ибратли ишлари билан ажралиб туради. Тежалган материаллар ҳисобига асфальт ва бетонлар ётқизиш ҳажми бир неча ўн километрга бориб қолди.

— Тежамкорлик ва иқтисод қилиш биз бажарадиган ишларнинг асосий талабидир, — дейди бригадир, — агар бунга алоҳида эътибор бермасак, ишимизнинг унуми ҳам бўлмасди, акс ҳолда кўплаб материалларнинг исроф бўлиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам бригадада материалларни тежаш меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишнинг асосий белгиси деган шиор ташлаганмиз.

Мана, бригаданинг тежамкорлик соҳасида эришган ва эришаётган ютуқларига назар ташлаймиз: ўтган йил бошидан буён бу зарбдор коллектив 400 тоннадан ортиқ асфальт қоришмасини, 20 тонна битум, кўплаб ёғоч ва бошқа материалларни тежаб қолишга муваффақ бўлди.

Алексей Гайнуллин хизмат қилаётган механизациялашган кўчма колонна коллективи тўрт йиллик топшириқни бажариш йўлида маррага яқинлашиб тагин ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Бу колонна ўтган йили ҳам баракали меҳнат қилиб, планга қўшимча 2,2 миллион сўмлик иш бажарди, кўпдан-кўп материал ва асбоб-ускуналарни иқтисод қилишга эришди.

Ўн бешинчи колоннанинг ажойиб меҳнатсевар коллективи бундай муваффақиятларга ўзининг фидокорона меҳнати билан эришмоқда. Айниқса ҳар бир қурувчи ва монтажчининг ўз касбининг мукаммал билиши, машина ва механизмларнинг ҳар доим ишга шай ҳолда туриши, меҳнатнинг оқилона ва дид билан ташкил этилганлиги ана шундай ютуқларни қўлга киритишга кўмак бермоқда.

Коллективлардаги завқли ҳаёт, баракали ва самарали меҳнат шу зайлда бир маромда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритишга ёрдам бермоқда. Беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам олинган социалистик мажбуриятни ортиғи билан бажариш учун қизғин мусобақа кун сайин авж олмоқда.

Я. ТЎХТАЕВ.

ТАДБИРКОР ЮРИЙ

КОЛЛЕКТИВ манфаати учун чинакам жон куйдирадиган меҳнатсевар кишилар эл назарига тушади. Уларни ҳамма эъзозлайди. Юрий Кан ҳам ана шу ҳислатлари туфайли элга танилди.

У 1960 йилдан бери Ғалаба районидаги Киров номли колхознинг пешкадам бригадаларидан бирига мохирлик билан раҳбарлик қилиб келаяпти.

Илғорликнинг ўзи бўлмайди, албатта. Буни Юрий ҳам, бригадада ишлаётган механизаторлар И. Кайбуллаев, Қ. Бобоёров, дала машъаллари Ф. Просковья, Э. Лучникова ва бошқалар жуда яхши тушунишади.

— Ҳар йилнинг ўзига хос қийинчилиги бўлади,— дейди Юрий Кан.— Зарбдор йил қийинчиликларига қарамай бригадамиз пахтакорлари сўзларининг устидан чиқиш ниятида астойдил меҳнат қилишди. 151 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 41 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик.

Тадбиркор деҳқон бошлиқ коллектив каноп дан ҳам, силос учун экилган маккажўҳоридан ҳам юқори ҳосил етиштиришга муваффақ бўлди. Гектаридан 200 центнердан каноп пояси, 800 центнердан силос массаси йиғиштириб олинди. Пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини оширишда 1977 йилги кўрсаткичлардан ўзиб кетилди.

Пешқадам бригада аъзолари бу йил ҳам барча соҳаларда ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун ишончли замин яратмоқдалар.

Э. БУТУНБОЕВ.

ЧОРВА МАҲСУЛДОРЛИГИ ОШАЁТИР

ОҚҚЎРҒОН районидаги «Ленинобод» колхози чорвадорлари беш йилликнинг зарбдор учинчи йилини меҳнатда ажойиб ютуқларни қўлга киритиш билан якунладилар. Улар она Ватанга 65,7 тонна гўшт топширдилар. Бўрдоқиға боқилган ҳар бир корамолнинг тирик вазни 427 килограммдани ташкил этди. Бунда бузоқбоқар Комила Исматуллаеванинг муносиб ҳиссаси бор. Ўз касбига меҳр қўйган бу чорвадор ўз карамоғидаги бузоқларнинг доимо семиз ва соғлом бўлишини таъминламоқда.

Колхознинг Замира Раҳмонова, Галя Шаманина, Фотима Мирзалиева сиғирлари тажрибали сут соғувчилари зарбдор йилда зарбдорларга меҳнат қилдилар. Бу илғор соғувчилар сардори Замира Раҳмонова карамоғидаги 20 бош соғин сигирининг ҳар биридан 3300 литрдан ошириб сут соғиб олди. Бундан ташқари у 10-синфни битириб фермага ишга келган Норбўви Ориповага соғувчилик касбини пухта эгаллашда мураббиялик қилди.

— «Партия XXII съезди» колхозининг илғор сут соғувчиси Максуда Қўлдошеванинг ҳар бир сигирдан йил охиригача 5200 литрдан сут соғиб олиш ҳақидаги ташаббуси мени янада зўр ғайрат билан меҳнат қилишга ундади,— дейди Замира Раҳмонова.— Бу ташаббус изидан борган ҳамкасбларим ҳар йилгидан салмоқли натижаларга эришдилар.

Мана шундай илғор сут соғувчиларнинг самарали меҳнатлари туфайли колхоз бўйича давлатга пландаги 542 тонна ўрнига 565 тонна сут сотилиб, йиллик топшириқ ошириб адо этилди.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорлари асосида иш юритаётган колхоз чорвадорлари маҳсулот етиштириш ва давлатга сотишни янада кўпайтириш мақсадида қишловни намунали ўтказмоқдалар.

Айни кунларда фермада иш қизғин. Молбоқарлардан Омонқул Шоназаров ва Аҳмад Қўзиевлар жонбозлик кўрсатмоқдалар. Рацион асосида парвариш қилинаётган моллар семиз ва соғлом, соғин сигирлардан олинаётган сут миқдори эса кўпайиб бормоқда.

М. ТОЖИБОЕВА.

ДУНЁ ОВОЗИ

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ЭРОНДАГИ ВАЗИЯТ ЯНА КЕСКИНЛАШДИ

НЬЮ-ЙОРК, 18 январь. (ТАСС). Аҳваз, Илам, Арак, Дезфул ва Эроннинг бошқа шаҳарларидаги тинч намойишчилардан ҳукумат қўшинлари ўч олганлиги мамлакатдаги вазиятни янада кўпроқ кескинлаштирди ва шоҳ тайинлаган Бахтиёр ҳукуматининг ҳокимият тепасида қолиш-қолмаслиги хусусида гумонларни кучайтирди. Ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг айтишича, кеча Аҳвазнинг ўзида 100 дан ортиқ киши ўлдирилди. Бугун шу шаҳарда солдатлар ва охранка агентлари яна 8 кишини отиб ташладилар, Дезфулдаги намойишни тарқатиш вақтида бугун 20 га яқин киши ҳалок бўлди.

ЮПИ агентлиги мухбирининг хабар қилишича, мана шу қонли репрессияларга жавобан нефтчилар нефть қазиб чиқариш ва қайта ишлашни бутунлай тўхтатиб қўямиз, деб огоҳлантирдилар. Кейинги вақтларда улар мамлакат аҳолисини ёқилғи ва электр энергия билан таъминлаш учун қисман ишлаб турган эдилар.

«Американинг расмий кишилари,— деб таъкидлайди Ассошиэйтед пресс агентлиги,— Бахтиёр ҳукуматининг яшаб қолиш имконияти жуда оз ва шоҳнинг «отпускаси» доимий сургунга айланиши мумкин, деган хулосага келмоқдалар».

Ҳозир шоҳ Миснинг Асвон шаҳрида турибди. Хабар қилишларича, Миср Марокашга бармоқчи, сўнгра эса АҚШга йўл олади. Афтидан, шоҳ билан Қўшма Штатлар ўртасидаги воситачилик вазифасини бажараётган Садат Асвонга келган меҳмонни давлат бошлиғига муносиб иззат-икромлар билан кутиб олди.

Маълумки, шоҳнинг жўнаб кетиши арафасида Эронда ноиблик кенгаши тузилиб, шоҳнинг вазифаларини бажариб туриш унга топширилган эди. Эроннинг сиёсий арбоби Техроний шу кенгашга раис қилиб тайинланди. Эроннинг сиёсий доираларида айтишларича, кенгашнинг ваколатлари тўғрисидаги расмий ахборот шоҳнинг мамлакатдан узоқ муддатга жўнаб кетганини тасдиқлайди. Уша манбаларда айтилишича, давлат бошлиғи ролини ижро этаётган ноиблик кенгаши қуролли кучлар штабининг бошлиғи, кенгаш аъзоси генерал Қорабоғий орқали олий армия раҳбарлари билан алоқа боғлаб турибди.

Ахборот агентликларининг хабар қилишича, Теҳронда ҳарбий тўнтариш эҳтимоли борлиги тўғрисидаги реал ҳаётирлик билдирилмоқда. Қочиб кетган шоҳнинг ёрдамчиларидан бири, шоҳнинг Ниаваран саройида шуни айтдики, деб хабар қилади Рейтер агентлиги, «Фантом» самолётлари ҳар қандай намойишни батамом йўқ қилиб ташлай олади, бундан ташқари сарой ёнида «50 та танк ҳозиру — нозир бўлиб турибди».

Англиядаги «Дейли телеграф» газетаси мухбирининг ёзишича, «Бахтиёр ҳукумати ўзини хавф-хатарсиз сезаётгани йўқ» ва «уни миллий фронт ва диний оппозиция тинимсиз, аёвсиз танқид қилмоқда».

Диний оппозициянинг раҳбари Аётулло Хомейни Бахтиёр ҳукуматини ағдариб ташлаш мақсадида Эрон халқини иш ташлаш курашини ва намойишларни кучайтиришга чақирди.

Юстиция министри Содиқ Вазири кеча истеъфога чиқ-қанлиги тангликни бартараф этиш методлари хусусида ҳукумат ичида жиддий ихтилофлар борлигининг яна бир далили бўлди. У ўзининг истеъфога чиқишига ҳозирги шароитда порахўрликда ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишда айбланиб, қамоққа олинган собиқ юқори мансабдор давлат амалдорларининг катта группасини судга бериш имконияти йўқ эканлигини баҳона қилиб кўрсатди.

ЮПИ агентлигининг хабарида айтилишича, Эрон парламенти қуйи палатаси — мажлиснинг 20 депутати ўзининг депутатлик мандатидан воз кечди. Мажлиснинг бир гуруҳ депутатлари Хомейнининг парламент ўз ихтиёри билан тарқалиб кетсин, деган даъватини муҳокама қилиш учун парламентнинг фавқулодда сессиясини чақириш таклиф этди.

Обзорчиларнинг уқтириб ёзишича, Бахтиёр ҳукуматининг шоҳдан ҳарбий режимига қарши халқ ғалаёнлари тинимсиз давом этаётганлиги сабабли ҳукмрон лагер ичидаги низо кучаймоқда. Оммавий иш ташлаш сабабли мамлакат экономикаси шу кунгача ҳам батамом фаолиятсиз турибди. Озиқ-овқат ва кўпгина энг зарур бошқа моллар жуда етишмаётганлиги сезилмоқда.

Корхоналар, муассасалар ва ўқув юртларида бўлиб ўтаётган митинглар тобора очиқдан-очиқ Америкага қарши тус олмоқда. Ҳамма жойлардаги митингларнинг қатнашчилари «Американинг маслаҳатчиларини мамлакатдан ҳайдаб юборишни ва Вашингтоннинг Эрондаги воқеаларга таъсир ўтказиш йўлидаги уринишлари тўхтатилишини талаб қилмоқдалар. Жамоатчиликнинг тазйиқи билан Табриздаги Америка консулхонаси ёпиб қўйилди.

АП агентлиги мухбирининг хабар қилишича, кеча ва бугун АҚШ ҳарбий самолётлари мамлакатдаги энг катта Вахдат авиация базасидаги Америка ҳарбий маслаҳатчиларини шошилинч равишда кўчириб кетди. Дезфул шаҳри яқинида жойлашган шу базага намойишчилар бостириб киришга ҳаракат қилганларидан кейин шундай қилишга мажбур бўлдилар. Дезфул шаҳрида намойишчилар билан қўшинлар ўртасида сурункасига икки кундан бери шиддатли ва қонли тўқнашувлар бўлиб турибди.

Олинган хабарларга қараганда, Эрон ташқи ишлар министрлигида тузилган «Миллий ҳаракат комитети» миллий ватанпарвар кучларнинг мустақил ва демократик Эронни барпо этиш йўлидаги курашини қўллаб-қувватлашни маълум қилди. Комитет Эроннинг қўшилмаслик сиёсатини ўтказишни, агрессив СЕНТО ҳарбий блокидан чиқишини, Исроил билан, шунингдек Африка жанубидаги ирқчи режимлар билан ҳамма алоқаларни узишини, АҚШ билан ҳарбий битимларни бекор қилишини, тараққийпарвар давлатлар билан мустаҳкам дўстона алоқалар ўрнатишини талаб қилди.

ВАШИНГТОН, 18 январь. (ТАСС). АҚШ президенти Ж. Картер матбуот конференциясида сўзга чиқиб, Қўшма Штатлар Эрондаги Бахтиёр ҳукуматини қўллаб-қувватлайди, деди. Журналистлардан бирининг Американинг Эрондаги махсус маҳкамалари яхши ишламади ва шоҳ режимини омон сақлаб қололмади, деган мулоҳазасига жавобан президент бундай деди: «Бизнинг бу воқеаларга таъсир ўтказиш қобилиятимиз жуда чекланганлиги равшан. Шоҳнинг маслаҳатчилари ҳам, катта ҳарбий потенциал ҳам, полиция ҳам, бошқа кучлар ҳам Эрондаги тартибсизликлар ва ғалаёнларнинг олдини ололмади».

Ж. Картер АҚШ Эронга «катта куч» киритиш ниятида эмас, деб даъво қилгач: «бир вақтлар Вьетнамда шундай қилиб кўрган эдик ва бу нарса ҳеч қандай муваффақият келтирмаганини ўзингиз биласиз», деб иқрор бўлди.

ВАЗИФАСИДАН БЎШАТИЛДИ

РИМ, 18 январь. (ТАСС). Италия ҳукумати Италия полициясининг бошлиғи Жузеппе Парлатони лавозимидан четлаштиришга қарор қилди. Италия ички ишлар министри Виржинио Роньони Италия сенатида шуни маълум қилди. Катандзоро шаҳрида бир гуруҳ қора кўйлакликлар устидан ўтказилаётган суддаги бош айбдорлардан бири — жиноятчи Жованни Вентура қочиб кетгандан кейин шу қарор қабул қилинди. Янги фашист Вентура Миланда портлаш чиқаришдек дахшатли жиноят қилишда айбланмоқда, шу портлаш натижасида неча ўнлаб киши ўлган ва майиб бўлган эди. У дастлабки қамоқ муддати тугагач, турмадан чиқарилган ва шаҳардаги квартирасида полициячиларнинг кучли назорати остида яшаб турган эди.

ЕР БИЛАН ЧАЙҚОВ ҚИЛМОҚДАЛАР

БРАЗИЛИА, 18 январь. (ТАСС). Мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари юзасидан бу ерда ўтказилаётган семинар қатнашчилари Бразилияда тезрок аграр ислоҳот ўтказиш зарурлигини айтдилар. Қишлоқ меҳнаткашлари миллий конфедерациясининг раиси Жозе Ф. Да Силва таъкидлаганидек, Бразилиядаги 11 миллион деҳқон оиласидан атиги 2 миллиони кичик ер участкасига эгалик қилмоқда. Бу факт ҳозирги вақтда мамлакатда ерларнинг йирик латифундистлар қўлида тобора кўпроқ тўпланиш жараёни кучайиб бораётганлигидан далолат беради, бу эса ўз навбатида ҳам маҳаллий, ҳам ажнабий компаниялларнинг ерлар билан чайқов қилишига олиб бормоқда, деб таъкидлади Жозе Ф. Да Силва.

Бу фалокат Жанубий Ирландиянинг Бантри кўрфазида содир бўлди. Франциянинг «Бетельжез» танкери нефть олиняётган бир пайтда портлаб, икки қисмга бўлиниб кетди ҳамда сувда чўка бошлади. Жуда катта ёнғин натижасида кишилар қурбон бўлди. Суратда: фалокат содир бўлган жойда.

АП—ТАСС телефотоси.

ЖАБР ЗУЛМНИ КУЧАЙТИРМОҚДАЛАР

ТРИПОЛИ, 18 январь. (ТАСС). Тель-Авив Исроил томонидан оккупация қилиб олинган территориялардаги араб халқига нисбатан жабр-зулм сиёсатини кучайтирмоқда. Ливиянинг ЖАНА агентлиги хабарида айтилишича, Асфийя деган жойда Исроил ҳарбийлари оккупациячи маъмурларнинг фермойишини бажаришдан бош тортган йигирма фаластинликнинг уйига ҳужум қилганлар.

ҲАВФЛИ ЮК МУСОДАРА ҚИЛИНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 18 январь. (ТАСС). АҚШ соҳил-қўриқчилари катта бир туркум марихуанани мусодара қилдилар. Флорида штати соҳилидан 400 километр нарида Венесуэланинг «Санта Барбара» кемаси тўхтатилди. Бу кеманинг экипажи салкам 16,5 миллион долларлик 25 тонна марихуанани қонунга хилоф суратда Қўшма Штатларга олиб ўтишга ўринган.

ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯ АНТИФАШИСТЛАРИНИНГ ДАЪВАТИ

БОННГ, 18 январь. (ТАСС). Фашистлар босиб олган мамлакатлардаги собиқ қаршилик курашчилари бўлган немислар иттифоки баёнот бериб, нацистларнинг жиноятларига нисбатан жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги ҳақидаги қонунни жорий этмасликни талаб қилди. Баёнотда ГФР ҳукуматига мурожаат этилиб, ҳарбий жиноятларга ва инсониятга қарши жиноятларга нисбатан жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги ҳақидаги қонунни қўлланмаслик тўғрисидаги халқаро конвенцияга қўшилишга чақирилди.

Ғарбий Германия антифашистлари ташкилоти кейинги вақтларда ГФРдаги янги фашистларнинг активлиги кучайганлигига эътиборни жалб қилди ва барча янги нацист ташкилотларнинг фаолияти тақиқланишини талаб қилди.



Жонажон республикамизнинг ҳамма жойларида умумиттифоқ аҳолини рўйхатга олиш уюшқоқлик билан бормоқда. Рўйхат тўғрисидаги дастлабки маълумотлар электрон-ҳисоблаш машиналарида ишлаб чиқилиб, аниқ хулосалар чиқарилаётир. Суратда: (чапдан ўнгга) инженер-программист, комсомол аъзоси Ольга Мушчинина электрон-ҳисоблаш машинаси билан ишлаётган пайт; ҳисобловчи Матлуба Шодмонова ишчи Турсуновлар оилясини рўйхатга олаётир.

Р. Шагаев фотоси. ЎзТАГ фотохроникаси.

ХУШМУОМАЛА — НАЗОКАТЛИК БЕЛГИСИ

НАЗОКАТЛИ инсон аввало хушмуомилали бўлади. Катта-кичикка, ўзига яраша муомила қилишни билиш ҳам катта санъат. Масалан, сўзлашганда катталар бир-бирларига нисбатан илтифотли сўзлар: «Марҳамат килинг азизим», «Жоним билан жонгинам», «Ўргилай сиздан, саломат бўлинг», «Жоним тасаддуқ», «Хуш келибсиз», «Марҳамат, уйимизнинг тўри сизники», «Марҳамат қилинг», «Азиз меҳмонимиз бўлинг», «Биз хизматда бўлайлик» каби жуда кўп илтифотли сўзлар мавжуд. Уларни ўз ўрнида ишлатишга одатланмоқ лозим.

Таассуфки, кўпгина янги қурилган оилаларда бу илтифотли сўзлар ишлатилмайди. Бунга сабаб, улар ҳам ёшликларида ўз оилаларида бу илтифотли сўзларни ишлатиб ўрганмаганликларидандир деб ўйлаймиз. Баъзан, бирон ерга борсангиз меҳмоннинг иззатини шундай келтирадики, улар шундай илтифотли сўзларни топиб гапирадиларки, дилингиз хушнуд, кўнглингиз шод бўлади. Бизнинг ёшларимизнинг лексикасида нима учундир, бу сўзларни кам учратасиз.

Меҳмонни «Хуш келибсиз,азизим» деб кутиб олишда, «Яхши боринг жонгинам, яна келиб туринг» деб кузатиб қўйишда канча назокату, қанча нафосат барқ уриб турибди. Аксинча келинг: ҳайр, деб қуруққина сўз билан кутиб олиш ва кузатишда канча фарқ бор.

Бир воқеани кўз олдингизга келтиринг: кўшнингиз ёки бирор таъбингиз хуш кўрмаган киши эшикдан кўринган бериши билан «Кўзим учиб турубди» деб энсангиз котиб кесатсангиз, бу билан ўзингизнинг дилингиз сиёҳ бўлади. Бу сўз билан олдингиздагиларни ва келгувчи кишининг дилини каттиқ ранжитган бўласиз-ку!

Онангиз тенги аёл қўшнингиз 5—10 минутгагина зарур иш билан сизнинг олдингизга кириб, назокат билан: «Бўйларингиздан ўргилай, уйда болалар йўқ эди. Мана бу кир ювадиган порошокдаги ёзувни ўқий олмадим, қарилик-да. Сиз шуни ўқиб, менга тушунтириб беринг жонгинам», — деб илтимос қилса, сиз унга жавобан: «Мен отланмоқдаман, вақтим йўқ, бошимни котирманг», — деб келган аёлнинг илтимосини бажо қилмай эшикни ёпиб, уйингизга кириб кетсангиз, у кўшнингизнинг ҳоли нима кечади?- Сиз ўзингизни унинг ўрнига кўйиб кўрингчи. У аёл канчалар изтироб чекади. У уйида кир машинасини юргизиб кўйган. Сизнинг ёрдамингизга жуда хам мухтож эди-ку! Сизнинг инсонга нисбатан илтифотсиз, кўпол муомилангиздан дили сиёҳ бўлиб, уйига чиқиб кетади. Сизнинг совук муомиланг из, совук карши олишингиз у аёлнинг бугунги кайфиятини бутунлай бузди. Сиздан бир оғиз илтифотли сўз эшитмагани учун жуда эзилади. Иккинчи сизга мурожаат қилмасликка ахд килади.

«Кир порошогини қандай килиб ишлатиш коғозда ёзиб кўйилган. Ҳозир ўқиб тушунтириб бераман, холажон. Бизлардек кўшнингиз бор-ку, уйда болалар йўк деб асло ташвишланманг», деб порошокни ишлатиш усулини ўкиб, тушунтириб бериб, «Мана холажон, бундай килиб ишлатиш керак экан» десангиз бўлар эди. Кўшнининг дили хушнуд бўлиб, «Хайр, кўшнижон рахмат, вактингизни олдим, айланай келинжон. Умрингиз узок бўлсин» деб дуо килар эди.

Инсонга нисбатан ана шу оддий илтифотни хам килмадингиз. Бу одамгарчиликдан эмас. «Эх, аттанг. Ўкибди-ю, ҳаётда ҳар куни керак бўладиган илтифотли, назокатли ҳислатни ўкиб олмабди-да» деб, айтмасин сизга нисбатан кўни-кўшнилар, умуман одамлар.

Ҳа, хар бир хатти-ҳаракатда, муомилада кишиларга нисбатан ширинсуханлик билан илтифотли бўлиш, иффатли-назокатли сўзлашкаби хислатларга эга бўлиш ҳар бир кимсанинг инсонлик бурчидир. Биргина илтифотли сўзлаш билан кишининг кадри ошади. Биргина кўпол сўз ила киши ўз кадрини йўкотади.

Совет олими академик И. П. Павлов «Сўз — сигналларнинг сигналидир» деган эди. Дарҳақиқат, биргина сўз билан беморга жон бағишламоқ мумкин. Бир сўз билан эса соғлом инсонни бемор холатига солиб кўйиш мумкин. Шунга кўра халкимиз: «Ўйнаб гапирсанг хам ўйлаб гапир!» — дейди.

Сухбатдоши боғдан келсаю, тингловчи тоғдан келса, бирининг руҳий холатини иккинчиси ҳисобга олмасдан сўзласа, одобдан эмас. Тингловчи касал бўлса-ю, сўзловчи бошқа бир кишн шу касалдан вафот этибди, деса, унинг ҳолати тезда ўзгаради. Назокатли инсон асло бундай қилмайди.

Халкимизда сўздан-сўзнинг фарқи бор, деган макол мавжуд. Ундан ҳар бир кимса ўз сўзини ўйлаб унинг тингловчига кўрсатадиган таъсир кучини чамалаб кўриб, сўзлашлари лозим деган маъно келиб чикади. Ҳар бир киши бирор сўзни ёки маълум бир максадни кўпчиликка ёки бирор кишига тушунтиради. Шу сўзни турли хил оҳангда айтиши мумкин. Масалан, кўпдан бери ётган беморнинг дарди жуда оғирлашганини ўзи ҳам сезиб турибди. Аммо, уни даволовчи врач кўриб, беморни тинчлантириш максадида: аввалгидан кўра анча яхшисиз. Энди ўша сизга тавсия килинган дорилардан факат биттасини хар куни икки мартадан истеъмол килиб турсангиз бас. Руҳингиз тетик, анча ўзингизга келиб қолибсиз, деди. Бемор врачнинг бу илтифотидан хурсанд бўлади. Унга анча ишонч, ўзини тетик ҳис кила бошлайди.

Беморда врачнинг меҳрибончилик билан айтган сўзларига нисбатан ишонч хисси уйгонди. У ўзининг тузалиб кетишига умид кила бошлади. Бу мисолда хушмуомила-назокатли инсон бўлган врач беморнинг психик холатига сўз билан таъсир этди.

Бошқа бир ҳолатда бу вокеанинг аксини кўриш мумкин: врач беморни кўриб, ўзича «Эх, аттанг, бунинг ахволи анча оғирлашиб қолибди-ку», дея сиртида ўзининг руҳий ҳолатини баён этиб, юзини саракарак қилса бемор қандай изтиробда қолади.

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, назокатли инсон хеч качон кишиларнинг дилини ранжитмайди. Улар билан киска муддатли сухбатда хам кишилар дилини хушнуд кила олади.

Демак, ёшларда ҳаё, андиша, иффат-назокат каби ҳислатларни тарбиялашда катталарнинг ибрат-намунаси, айникса ота-оналарнинг ижобий сифатлари катта ахамиятга эга.

Кишиларга нисбатан хушмуомилада бўлиш назокат белгиси эканини унутманг!

Н. ВАЛИЕВА,
педагогика фанлари кандидати.

БАЛИҚ ПАЙРОВИ

(АСКИЯ)

СИЗ муҳтарам газетхонларга маълумки, ҳафтанинг ҳар пайшанбаси умумий овқатланиш корхоналарида «Балиқ куни» деб эълон қилинган. Бу яхши удум. Лекин ҳамма ошхоналарда ҳам мазали балиқ таомлари ҳамма вақт тайёрланавермайди. Қуйида биз икки хўранда, икки яқин оғайнининг «Балиқ куни»да содир бўлган ўзаро баҳсини эътиборингизга ҳавола этамиз.

МАЪРУФЖОН:

— Эркин ака, балиқ таомдан кўнгил тўлмаганга яраша бундоқ гапириб ўтирсангиз-чи? Музлаган балиқмисиз!?

ЭРКИНЖОН:

— Қизиқсиз-да Маъруфжон ака, кўряпсизки, «Дўнг пешона» роса ҳам меъдага теккан. Ошпазга бирон мазалик овқат буюрсангиз бўлмайди-ми? Пешонангиз шўрми ўзи, дейман.

МАЪРУФЖОН:

— Пешонанг шўр экан, деманг ака, маломат қиласиз. Ундан кўра ўша ошпазга ўзингиз бир оғиз «Сайра» сангиз нима бўлади?

ЭРКИНЖОН:

— Менга, «Сайра» демоқчимисиз. Майлига, илтимос қилиб кўраман. Лекин гапимга «Лаққа» тушармикан-а?!

МАЪРУФЖОН:

— Тилласиз-да, «Тилла!»

ЭРКИНЖОН:

— «Тилла», деб кўп шоширманг дўстим. «Сазан»гиз ўлмасин-у, лекин авзойи бузуқ кўринади, ошпазнинг.

МАЪРУФЖОН:

— Ким этади сизни «Усач» деб, бир мўйлов қилмайсизми ахир!

ЭРКИНЖОН:

— Мўйловимга тил текизманг ака, яхши эмас. Мендан ян«А-кула»сизми?

МАЪРУФЖОН:

— Узр, мендан қуляпти, деб ўйламанг. Беҳуда ўтган «О-кунь»мизга ачинаман, холос.

ЭРКИНЖОН:

— «Навага»!?

МАЪРУФЖОН:

— Тушунолмадим, «Нимага» дедингизми?!..

Ўзича наша қилиб куларкан дейди:

— Ношуд ошпазларга кунинг қолса шу экан-да! «Кит»дек иштаҳаси карнай дўстимнинг силласи қуриб, ҳатто тили калимага келмай қолса-я. Тавба!!

Абдулла ТОЛИПОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ТОШКЕНТ. Кардиология илмий-текшириш институти коллективи касалликни аниқлаш, юрак — томир касалликларини даволаш ва унинг олдини олиш бўйича катта ишларни амалга оширмоқда. Суратда: институт медицина хамширалари Р. Абдуллаева, Ш. Қўлдошева, М. Дакимова ва кичик илмий ходим А. Қосимхўжаевлар (ўнгдан иккинчи) иш устида.

А. Сидякин фотоси. (ЎзТАГ).

Спорт

ФИНАЛ САККИЗЛИКДА

Волейбол бўйича мамлакат чемпионати олий лигасида қатнашаётган Тошкентнинг «Автомобилист» волейболчилари ўз олдиларига қўйган дастлабки вазифани бажардилар. Ҳамшаҳарларимиз кучли саккизликдан ўрин олишди.

Ўтган йили тошкентликлар умумий олтинчи ўринни эгаллашган эди. Бу мавсум вакилларимиз янада юқорироқ ўринни кўзлашмоқда. Ўтган куни Одесса шаҳрида ниҳоясига етган иккинчи давра ўйинларида «Автомобилист» олти учрашув ўтказиб, учтасида ғолиб келди, учтасида эса енгилди. Ҳамшаҳарларимиз «Уралочка», «Марказий Армия спорт» клуби ва майдон эгалари медицина институти командасига ютқазишган бўлса, «Кировец», «Аврора» ва «Нефтчи» командаларини мағлубиятга учратди. Шундай қилиб ўз майдонида ўтказилган биринчи даврада ва Одессада якунланган иккинчи даврада тенг учтадан, жами олтита очко тўплаган «Автомобилист» ҳозирда бешинчи ўринни эгаллаб турибди.

Энг кучли саккиз команда медаллар учун курашни давом эттирадилар. Бу йилги низомдаги янгиликлардан бири шуки, саккизликка кирган командаларнинг дублёрлари ўртасида ҳам ўйинлар бўлади. Бу тренерлар учун резервларни синаб олишга имкон беради.

Финал ўйинларни «Уралочка» пешқадам бўлиб бошлайди. Свердловск волейболчилари ҳисобида ўнта очко бор. Улар сўнгги турда МОПИ командасини 3:0 ҳисобида енгишди. Иккинчи пешқадам пойтахт динамочилари эса Одесса волейболчиларига 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. «Динамо» ҳисобида тўққизта очко бор. Марказий Армия спорт клуби, Одессанинг медицина институти командаси саккизтадан очкога эга. «Аврора» ТТУ ва «Искра» командалари ҳам финалга чиқишди. Бу командалар бештадан очко тўпладилар.

ИККИ ЎЙИНДА БИР ОЧКО

Биринчи лига хоккейчиларни навбатдаги тур ўйинларини ўтказдилар. «Бинокор» ўз майдонида турнир пешқадамларидан бири Саратовнинг «Кристалл» командасини қабул қилди ва икки ўйинда бор-йўғи бир очко олди. Биринчи ўйинни 2:3 ҳисобида ютқазган тошкентликлар такрор учрашувда 2:2 ҳисобида дуранг натижага эришдилар.

«Бинокор» навбатдаги учрашувларни ўз майдонида бугун ва эртага Пензанинг «Дизелист» командаси билан ўтказади.

КИЧКИНТОЙЛАР ХУРСАНД

Ҳамма яхши нарсалар болалар учун! Ҳа, жонажон партиямиз меҳнаткашлар фарзандлари учун беқиёс ғамхўрликлар кўрсатмоқда. Калинин районидаги бўрдоқичилик «Рассвет» совхозининг дирекцияси ва партия ташкилоти ҳам ёш авлодга барча имкониятларни яратиб беряпти.

Бу ерда яқинда кичкинтойлар учун 90 ўринли янги типовой боғча-ясли ишга туширилди. Ҳозир болалар масканида учта группа бор. Уларга тарбиячилар Улданой Умрзоқова, Дилбар Назарова, Мавжуда Ашировалар мураббийлик қилишяпти.

Бу ерга 700 сўмлик ҳар хил ўйинчоқлар келтирилди. Боғча атрофи эса кўкаламзорлашади.

Б. САФАРОВ.

ШАҲАРЛАРНИНГ ЯШИЛ ЛИБОСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника боғининг мутахассислари оммавий кўпайтириш ва шаҳар кўчаларига ўтказиш учун Тошкент кўкаламзорлаштириш хўжалиги ходимларига элликдан ортиқроқ турдаги дарахт ва бута уруғи кўчатини топширдилар. Шаҳар кўчаларида пайдо бўладиган ниҳоллар орасида тез ўсадиган тераклар, қарағайлар ва арчалар, эман, ёнғоқ ва бошқа манзарали дарахт ва буталарнинг турлари бор.

Ўзбекистондаги бошқа шаҳарларнинг обод қилувчиларига ҳам кўкаламзорлаштириш учун олимлар етиштирган ва тавсия этган игна баргли ва япроқли дарахтлар ҳамда буталар жўнатилди.

ҚАҲРАМОНЛАРГА ТЕНГЛАШАМИЗ

Афанасий Евтухов, ишчи, 1941 йилда ихтиёрий равишда фронтга жўнаб кетди. Қаҳрамонларча ҳалок бўлди». ...Тошкентдаги 1-автомобиль ремонт заводидан Айрат Амирхонов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг аъзолари уруш қаҳрамонларига бағишланган альбомга ана шу қисқа сўзларини ёзиб қўйишган. Ана шу корхонада урушга қадар ишлаган коммунистик меҳнат зарбдори Афанасий Евтуховни йигитлар ўз бригадалари составига киритдилар. Ҳозир ёш слесарлар меҳнат қилаётган «ГАЗ-51» маркали машиналарнинг двигателлари йиғиладиган участкада довюрак жангчига бағишланган бурчак жиҳозланмоқда. Комсомоллар фекса авлоднинг жанговар ва меҳнат анъаналарини муносиб равишда давом эттираётганликларини ўз ишларида исботлаб кўрсатмоқдалар.

Айрат Амирхонов коллективи — авторемонт заводидаги энг ёш коллектив бўлса ҳам, уларнинг пешқадамлигини мақтаб гапиришади. Ёш слесарлар беш йилликнинг тўртинчи йилида коммунистик меҳнат бригадаси номига сазовор бўлиш учун курашишга, йиллик топшириққа қўшимча равишда 510 та двигатель ремонт қилишга бел боғладилар. Корхонада улар бу вазифаларни уддалайдилар деб ишонишади. Яқинда бу ҳақда Айратга ёши улуғ ўртоқлари уни КПСС аъзолигига қабул қилиниши муносабати билан табриклашганда гапиришди.

(ЎзТАГ).

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

26, 27 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА
«Октябрнинг 40 йиллиги» фестивали ва Бутуниттифоқ бадиий коллективлар кўриги — конкурсининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Вилоят ОҚИЛОВА

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
Дилбар ФАЕЗОВА

Гаванада бўлиб ўтган XI жаҳон фестивалининг лауреатлари
ака-ука Дилмурод, Ҳолмурод ва Элмурод ИСЛОМОВЛАР

Солистлар: Фаҳриддин Умаров, Ғуломжон Ёқубов, Ҳотам Ҳожиев, Бахтиёр Ҳолхўжаев, Моҳичеҳра Нурмуҳамедова, Туйғуной Мелибоева, Гулираъно Ҳудойқулова, Райҳон Абдуллаева, Нарзиддин Шерматов, Зуҳра Қодирова ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ. **«ШОДЛИК» ансамблининг бош балетмейстери — Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг дипломанти Қодир МУМИНОВ.**

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ-РЕМОНТ ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ
155-УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: машинист ёрдамчилари, тепловознинг механик қисмини ремонт қилувчи слесарлар, тепловознинг электр қисмини ремонт қилувчи слесарлар, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар ва электр-газ пайвандчилар, холодильник ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, дурадгорлар.

Ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат, кийим-бош, ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процента билан таъминланадилар.

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги 8 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигитлар қабул қилинади.

Уч йиллик таълим группасида ўқиган ўқувчиларга мутахассислик ва ўрта маълумот ҳақида ҳужжат берилади. Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганларга олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун йўлланма берилади.

Ўқиш даври узлуксиз иш стажига киради.

Билим юртини тамомлаганлар темир йўл хизматчиларига бериладиган барча имтиёзлардан фойдаланишади, яъни Иттифоқимизнинг барча пунктларига бепул темир йўл билети билан таъминланадилар.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидагилар қўшиб топширилади: туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти ҳақида ҳужжат, мактабдан характеристика, медицина справкаси, турар-жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8 та фотосурат (3x4 см.).

Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Червяков кўчаси, 12-уй (5, 1-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон: 91-14-04.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.40 — Гимнастика. 10.05 — «АБВГДейка». 10.35 — «Кузатувлар». Бадиий фильм. 2-серия. 11.45 — Дунё воқеалари». 12.00 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 12.30 — «Тонгги почта». 13.00 — Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. 13.45 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 14.15 — А. Наседкин чалади. 14.45 — Спортлото. 15.00 — «Здоровье». 15.45 — «Помир болалари». Бадиий фильм. 16.55 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 17.55 — «Мен саҳий ер бўйлаб бораяпман». 18.35 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси А. Жукованинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.20 — «Травиата». Фильм-опера. 21.30 — «Вақт». 22.05— «Балли, қизлар». 23.50 — Конькида югуриш бўйича Европа чемпионати. 00.20 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— «Тановор» ашула ва рақс ансамбли ижро этади. 11.10 — «Ўзбекистон спорти». 11.40 — «Нафосат оламида». 12.10 — «Кинопублицист экрани». 13.00 — «Жанговар постда». 13.30— «Валоғатга етмаган ёшлар». Бадиий фильм. 17.35 — Мультфильм. 17.45 — «Шоирлар — болаларга». 18.10 — «Инсон ва қонун». 18.45 — «Ахборот». 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.10 — «Жаҳон бир ҳафта ичида». 19.30 — «Қизлар дав. раси». 20.30 — «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 — «Вақт». 22.05 — «Шоҳ Эдип». Телеспектакль». 23.30 — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон қишки биринчиликлари.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.00 — Душанба кўрсатувлари.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/I да Сўғд элининг қоплони, 21/I да М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси опера студиясининг премьераси. Чет эллик петрушка (12.00). Флория Тоска (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/I да Қиёмат қарз, 21/I да Инқилоб тонги.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/I да Йиллар ўтиб, 21/I да Тошкентнинг нозанин маликаси (12.00), Зеби-зебона (19.30), 22/I да Олифта.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/I да Ташвишланманг онажон, 21/I да Кўзингни катта, роқ оч.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Тўрт нуёв» эстрада-циркулилар рэвюсининг гастроллари (12.00 ва 19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 | Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 32576 совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325545; фотомухбир — 325894.

Р. 06030. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2315.